



## МАМЛАКАТИМИЗДА ИНВЕСТИЦИЯ МУХИТИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ФАКТОРЛАР ТАҲЛИЛИ

**Абил Аманиязович Матекеев**

Қарақалпоқ давлат университети мустақил изланувчуси [obil1980@mail.ru](mailto:obil1980@mail.ru)

ARTICLE INFORMATION	ABSTRACT
<b>Volume:</b> 1	Мақолада Инвестиция муҳити категориясининг мазмун-моҳиятига доир илмий-тадқиқот ишлари ўрганилган. Қорақалпогистон Республикаси инвестиция муҳитига доир кўрсаткичлар таҳжил этилган. Таҳжил натижалари асосида республикада инвестиция муҳити жозибадорлигини оширишга қаратилган илмий асосланган таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган.
<b>Issue:</b> 2	
<b>DOI:</b> <a href="https://doi.org/10.55439/INSURE/vol1_iss2/a11">https://doi.org/10.55439/INSURE/vol1_iss2/a11</a>	
<b>KEYWORDS</b>	кулай инвестициявий муҳит, инвестиция иқлими, иқтисодиёт, инвестицион муҳит жозибадорлиги, инвестор, ҳалқаро молия институтлари ва рейтинг агентликлари, ҳалқаро иқтисодий индекслар, ЯҲМ, асосий капиталга ўзлаштирилган инвестиция, хизматлар соҳаси, драйвер, ўсиши нуқтаси, чет эл инвестициялари, SWOT таҳлизи.

### Кириш

Айтиш мумкинки, инвестиция муҳити - жуда кенг маънода ишлатиладиган тушунча бўлиб, инвестор томонидан хисобга олинадиган барча муаммолар ва масалаларни ўз ичига камраб олади. Инвестор томонидан маълум бир давлатга инвестиция килишининг кулаг ва нокулай томонлари баҳоланади, шу билан бир каторда, ўз капиталини киритмоқчи бўлган мамлакат мағкураси, сиёсати, иқтисодиёти ва маданиятига катта аҳамият берилади. Инвестиция муҳити ҳар томонлама, чукур таҳжил килинши аносида инвестиция таваккал аникланади. Инвестиция муҳити ва таваккал даражалари бир-бирига тескари нисбатдадир. Инвестиция муҳити қанчалик кулаг бўлса, инвесторнинг тадбиркорлик таваккали шунчалик паст даражада бўлади ва бу инвесторларнинг кириб келишини кўпайтиради. Аксинча, инвестиция муҳити нокулай бўлса, таваккал даражаси юкори бўлади. Бу эса инвестиция қабул қилувчининг сарф-харажатларининг ўсишига олиб келади. Шундай килиб, инвестиция муҳитининг ҳолати факат инвестор учун эмас, балки инвестиция қабул қилувчи учун ҳам муҳимdir.

### Адабиётлар таҳлили

Инвестиция муносабатларни тартибга солишга қаратилган аксарият хорижий давлатларнинг конунчилигида, хусусан миллий конунчилигимизда ҳам “кулай инвестициявий муҳит” тушунчасига расмий таърифлар мавжуд эмас. Илмий адабиётларда “кулай ишбилармонлик муҳити”, “кулай инвестиция муҳити” тушунчалари ишлатиласда, уларни умумий равишда тавсифлайдиган ягона таъриф ишлаб чиқилмаган.


Республикамиз иқтисодчи олимларининг қатор илмий-тадқиқот ишларида “инвестиция муҳити” ва “инвестиция иқлими” категориялари ўзаро синоним тушунчалар (категориялар) сифатида талқиқи этилган. Бу борада, Д.Ғозибеков ва Э.Носировларнинг фикрича, “Инвестиция иқлими – кенг маънода ишлатиладиган тушунча бўлиб, инвестор томонидан хисобга олинадиган барча муаммо ва масалаларни мужассамлаштиради. Инвестор томонидан маълум бир мамлакатга капитал ажратишнинг кулаг ва нокулай томонлари белгиланади, шу билан бир каторда, ўз капиталини киритмоқчи бўлган мамлакат мағкураси, сиёсати, иқтисодиёти ва маданиятига катта аҳамият берилади”.

Шунингдек, Ш.Мустафакулов ҳам “инвестицион иқлим” ва “инвестиция муҳити”нинг бораисда олиб борган илмий изланишиларида “инвестицион иқлим – ички ва ташки инвестицияларнинг кириб келишига таъсир кўрсатадиган ялли иқтисодий, сиёсий, молиявий шароит” эканлигини алоҳида таъкидлаб, инвестиция муҳитини ҳар томонлама, чукур таҳжил қилиниши аносида инвестиция таваккали баҳоланишига эътибор қаратади. Олимнинг фикрича, инвестиция муҳити ва таваккал даражалари бир-бирига тескари нисбатдадир. Инвестиция муҳити қанчалик кулаг бўлса, инвесторнинг тадбиркорлик таваккали шунчалик паст даражада бўлади ва бу инвесторларнинг кириб келишини фоаллаштиради. Аксинча, инвестиция муҳити нокулай бўлса, таваккал даражаси юкори бўлади. Бу эса, инвестиция қабул қилувчи томон сарф-харажатларининг ўсишига олиб келади. Инвестиция муҳитининг ҳолати факат инвестор учун эмас, балки инвестиция қабул қилувчи учун ҳам муҳимdir .

“Инвестицион муҳит жозибадорлиги – мамлакат, тармок ва соҳаларга инвестициялар оқимини аниқловчи, таъминлашга имкон берадиган, кафолатланган ҳамда инвестицион фаоллик билан баҳоландиган иқтисодий, ижтимоий ҳолат, жараён ва воситалар, имконият ва чекловлар йигиндишидир”.

Инвестицион муҳитнинг соғломлиги, жозибадорлигини давлатнинг ижтимоийиқтисодий ҳолатини акс этувчи макроиқтисодий кўрсаткичлар орқали ҳам баҳолаш мумкин. Жаҳон банкининг (ЖБ) классификациясига кўра, Сингапур давлати энг юкори даромадга эга бўлган давлатлар қаторига киради. Инвестицион иқлимага таъсир кўрсаткичлардан биттаси – инфляция даражасидир. Инфляция даражаси қанчалик паст бўлса, инвестицион жозибадорлик шунчалик даражада юкори бўлади. 2005 йилда Сингапурда инфляция даражаси 0,5 фойзни, 2019 йилга келиб эса 0,4 фойзни ташкил этди. Давлатнинг инвестицион муҳит жозибадорлигига баҳо беришда, бугунги кунда энг кўп тар卡尔ган усуllibардан бири бу – Doing Business индекси; Глобал ракобатбардошлик индексидир .

Ушбу йўналиши – Ўзбекистоннинг ҳалқаро иқтисодий индексларда иштироқининг инвестициявий жозибадорликка таъсири борасида тадқиқотлар олиб борган Г.Бекмуродованинг фикрича, инвестиция муҳити – инвесторлар томонидан сафарбар этиладиган

1-расм. Қорақалпоғистон Республикаси ЯҲМ ҳажми, млрд. сўм<sup>5</sup>

капитал кўйилмаларни улар йўналтирилган худудда кузатилиши мумкин бўлган рисклар ҳамда ушбу маблаглардан кутилаётган самара даражасини олдиндан ифодалайдиган омиллар йигиндишидир. Иктисодиётнинг ҳар томонлами ривожланишини таъминлаш билан боғлик стратегияни режаларни ишлаб чиқиш ва мамлакатнинг инвестицион муҳит жозибадорлигини ошириш ҳамда уни баҳолаш бевосита ҳалқаро молия институтлари ва рейтинг агентликлари томонидан юритиладиган ҳалқаро иктисодий индексларга баглиқидро.

#### Тадқикот усуллари

Тадқикот иши доирасида статистик кузатув, вербал шарҳлаш, SWOT таҳлил килиши, тизимлаштириш, индукция ва дедукция каби тадқикот усулларидан фойдаланилган.

#### Таҳлил ва натижалар

Тадқикот объекти хисобланган Қорақалпоғистон Республикаси инвестиция муҳити ва унга таъсир этувчи омилларни таҳлил килишда мазкур худуднинг кўйидаги кўрсаткичларига эътибор қартиши максадга мувоғифик:

- Республика ЯҲМ ҳажми ва унинг Ўзбекистон ЯИМдаги улуши;
- Аҳоли жон бошига ялпи ички (худудий) маҳсулот ҳажми ва унинг ўсиш суръатлари;
- Аҳоли жон бошига асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар (йиллик);
- Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар (йиллик);
- Молиялаштириши манбалари бўйича асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар таркиби ва х.к.

Қорақалпоғистон Республикасининг инвестиция муҳитини таҳлил этишда дастлаб, муҳим макроиктисодий кўрсактичлардан бири – худуднинг ЯҲМ ҳажми ва унинг ривожланиши тенденцияларини кўриб ўтамиз:

1-расмга кўра, 2010-2022 йиллар давомида Қорақалпоғистон ЯҲМнинг ривожланиши тенденциясида ўсиш ҳолатини кузатиш мумкин. Жумладан,

2010 йилда худудда ЯҲМ ҳажми 2181,7 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, олдинги йилга нисбатан 112,5 фоизга ўсган. 2011 йилда ушбу кўрсаткич 107,3 фоизга ўсиб, ЯҲМнинг реал ҳажми 2800,3 млрд. сўмни ташкил этган.

2012 йилда ЯҲМ ҳажми 111,8 фоизга кўпайиб, 3561 млрд. сўмдан ортган.


2013 йилда ЯҲМ реал ҳажмда кўпайишига қарамасдан олдинги йилга нисбатан ўсиш суръати бўйича 108,0 фоизни ташкил этиб, 3,8 фоизга пасайган. 2014 йилда ЯҲМнинг ҳажми 4366 млрд. сўмдан ошган.


Умуман олганда, 5 йиллик даврда, яъни 2010-2014 йилларда ЯҲМ ҳажми жуда секин ўсганингни кўрамиз. Албатта, бундай шароитда иктисодиётни ривожлантириш бўйича кўрилган зарурӣ чоралар натижасида ижобӣ ўзгаришилар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2020 йил 11 ноябрдаги “2020-2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори шаҳар ва туманлар “ўсиш нукталари”га мувоғик иктисодиётнинг энг муҳим тармоқларини янада ривожлантиришга имконият яратди.

Тахлилар шуни кўрсатмоқдаки, “ЯҲМ беш йил давомида 32% ёки 26,3 трлн. сўмга ўси; Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариши ҳажми 6,8 трлн. сўмдан 16,6 трлн. сўмгача (30% ўсиш) ўси. Хусусан, 2017 йилда ЯҲМ ҳажми 10855,1 млрд. сўм, 2018 йилда 15703,5 млрд. сўм, 2019 йилда 19 715,0 млрд. сўм, 2020 йилда 21881,0 млрд. сўм, 2021 йилда 26250,7 млрд. сўмни ташкил этди.

ЯҲМнинг ошиши баробарида, “кишлоп” хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариши 20%га ўсиб, 2021 йилда 12,3 трлн. сўмни ташкил этди (2017 йилда - 5,0 трлн. сўм). Худда фаолият кўрсатаётган корзоналар сони 2017 йилдаги 19,2 мингдан 2021 йилда 27,4 минг тага етди (ўсиш 59%). Инфратузилмани ривожлантириш схасида 2017-2021 йилларда 102 км газ кувирни тармоқлари, 105 км автомобил йўллари ишга туширилди ҳамда 2 278 км сув таъминоти тармоқлари тортилди ва таъмирланди. Аҳолини ижтимоий муҳофаза килиш ва муносаб турмуш шароити яратиш борасида аҳолини муносаб уй-жой билан таъминлаш каби вазифаларни ҳал этиш муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, ўтган беш йил мобайннида худудда 4 390 минг квадрат метр уй-жой фойдаланишига топширилди, мактабгача таълим муассасаларида 15,2 минг, мактабларда 38,3 минг ўрин яратилди, шифохоналарда 930 та койкалар жойлаштирилди. Шу давр мобайннида 127 мингга яқин иш ўрни яратиди”.

2010-2022 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ЯҲМнинг иктисодий фаолият турлари бўйича таркиби бўйича таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, худудда иктисодий фаолият турларининг

2-расм. 2010-2022 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ЯҲМнинг иктисодий фаолият турлари бўйича таркиби, фоиз<sup>7</sup>



**3-расм. 2010-2022 йилларда Қоракалпогистон Республикаси ЯҲМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби, млрд. сўм<sup>8</sup>**

жамланмасидан “хизматлар соҳаси” ЯҲМ таркибida “драйвер” вазифасини ўтаган. Мазкур хизматлар соҳаси ўтган давр (2010-2022 йилларда) Қоракалпогистон ЯҲМ ҳажми таркибининг 37 фойизини ташкил этиб, мазкур соҳа худуднинг иқтисодий ривожланишида асосий иқтисодий фаолият йўналиши бўлган (2-расм).

2-расмга кўра, Қоракалпогистон Республикаси ЯҲМнинг иқтисодий фаолият турлари таркибida хизматлар соҳасидан кейинги катта улушга “саноат (курилиш билан биргаликда)” йўналиши эгалик килган. Мазкур соҳада ЯҲМ ҳажмининг 30 фойиздан ортиқ кисми ишлаб чиқарилган. Бу албатта, мазкур худуднинг яна бир “уиши нуктаси” сифатига саноат тармоқларини янада ривожлантиришининг истиқболли эканлигини, соҳани мунтазам равишда техник-технологияни жиҳатдан модернизация килиш бориши кераклиги, соҳанинг инвестиция мухитида муҳим аҳамиятга эгалиги сабабли, инвесторларни доимий равишида кўллаб-куватлаш чораларини кўриш лозим. Айтиш керакки, худуддаги оғир экологик вазият, ернинг кучли ўрланиши ҳолатларининг мавжуд эканлигига карамасдан “кишлек, ўрмон ва балиқ хўжалиги” соҳаси худуднинг ЯҲМ таркибida 26 фойиздан юкори улушни ташкил этади.

Худуднинг инвестиция мухитида муҳим аҳамиятга эга йирик секторлар бўйича таҳлилларни қўйидаги расмга мувофиқ, ЯҲМнинг йирик секторлари – “драйверлари”нинг реал ҳажмини кўриб чиқиши мақсадга мувофиқdir (3-расм).

3-расмга кўра, 2010 йилда “кишлек, ўрмон ва балиқ хўжалиги” соҳасида ялпи худудий маҳсулот ҳажми 681,4 млрд. сўмни ташкил этган бўйса,

2017 йилда ушбу кўрсактич 2420 млрд. сўмдан ошган. 2021 йилда эса ушбу 7037,7 млрд. сўмлик маҳсулот соҳада ишлаб чиқарилган. “Саноат (курилиш билан биргаликда)” соҳасида 2010 йилда 362,1 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, 2022 йилда мазкур кўрсактич 18 баробарга ошиб,

6798,9 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган ва курилиш соҳасида ишлаб бажарилган. Шунингдек, худуднинг асосий ЯҲМ таркиbidagi улушга эга бўлган “хизматлар” соҳасида 2010 йилда 1045,4 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилган бўлса, 2022

йилга келиб, кўрсатилган хизматлар ҳажми худда салкам 8 баробарга ошиб, 7633,2 млрд. сўмни ташкил килган.

Айтиш керакки, юкоридаги таҳлиллар Қоракалпогистоннинг инвестиция мухитида жозибадор соҳаларни ҳам аниқлаши имконини беради. Бу борада, ЯҲМ ҳажмининг иқтисодий фаолият турлари бўйича йирик ҳажмини эгалланган “хизматлар” соҳасини алоҳида таъкидлаш лозим.

1-жадвалда 2017-2022 йилларда Қоракалпогистон Республикаси инвестиция мухитида “хизматлар” соҳасининг ривожланиши тенденцияларини кўриш мумкин. Унга кўра, ЯҲМ таркибida энг юкори улушга эга хисобланган “хизматлар” соҳаси 2017 йилда ЯҲМ таркиbida 38,8 фойизга,

2019 йилда 32,9 фойизга, 2019 йилда 32,5 фойизга, 2020 йилда 33,05 фойизга,

2022 йилнинг 9 ойи давомида 36,06 фойизга эгалик килган. Мазкур тармоқларни фаол соҳалари “ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа” бўйича 2017 йилда

778,6 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилиб, ЯҲМ таркиbida мазкур фаолият турлари 7,2 фойиз улушга эгалик килган. Тармоқдаги улуси эса 18,5 фойизни ташкил этган. 2021 йилда эса мазкур соҳада жами 1 трлн 326 млрд. сўмлик хизматлар бажарилган бўлиб, ЯҲМдаги улуси 6,3 фойизни, тармоқдаги улуси эса 17,4 фойизни ташкил этган. Шунингдек, “савдо, яшаш ва овқатланиши бўйича хизматлар” фаолият турни бўйича 2017 йилда 616,4 млрд. сўмлик хизматлар бажарилган бўлса, ЯҲМдаги улуси ўша даврда 5,7 фойизни ташкидди килган. 2021 йилда ушбу фаолият турни бўйича жами 1 трлн 52 млрд. сўмдан ортиқ хизматлар кўрсатилган бўлиб, ЯҲМдаги улуси 5 фойизни, тармоқдаги улуси эса 13,8 фойиздан иборат бўлган.

2-жадвалда кўра, Қоракалпогистон Республикаси худудларида кўрсатилган хизматлар ҳажми 2010 йилда 671,1 млрд. сўмни ташкил этган. Мазкур кўрсактич 2021 йилда салкам 13 баробарга ошиб, мазкур йилда худудлarda кўрсатилган жами хизматлар ҳажми 8 трлн 4587 млрд. сўмдан ошган. Кўрсатилган худудлар бўйича фаоллик Нукус шаҳри хиссасига тўғри келади. Яъни шаҳарда 2010 йилда

### Қоракалпогистон Республикаси инвестиция мухитида “хизматлар” соҳасининг ривожланиши тенденцияларини<sup>9</sup>

№	Кўрсактичлар	Йиллар					
		2017	2018	2019	2020	2021	2022 (9 ой)
1	“ХИЗМАТЛАР” соҳасининг ЯҲМдаги улуси, %	38,86	32,91	32,51	33,05	33,65	36,06
<i>шу жумладан:</i>							
1.1.	<u>Савдо, яшаш ва овқатланиши бўйича хизматлар, млрд. сўм</u>	616,4	755,7	879,7	1 011,2	1 208,7	1 052,3
	ЯҲМдаги улуси, %	5,7	4,8	4,5	4,6	4,6	5,0
	Тармоқдаги соҳасидаги улуси, %	14,6	14,6	13,7	14,0	13,7	13,8
1.2.	<u>Ташини ва сақлаш, ахборот ва алоқа, млрд. сўм</u>	778,6	929,4	1 053,6	1 176,0	1 498,4	1 326,9
	ЯҲМдаги улуси, %	7,2	5,9	5,3	5,4	5,7	6,3
	Тармоқдаги соҳасидаги улуси, %	18,5	18,0	16,4	16,3	17,0	17,4
1.3.	<u>Бошқа хизмат тармоқлари, млрд. сўм</u>	2 823,5	3 483,6	4 475,6	5 043,6	6 126,2	5 254,0
	ЯҲМдаги улуси, %	26,0	22,2	22,7	23,1	23,3	24,8
	Тармоқдаги соҳасидаги улуси, %	66,9	67,4	69,8	69,8	69,4	68,8

## 2-жадвал

Қоракалпоғистон Республикаси ҳудудларида кўрсатилган хизматлар ҳажми, млрд. сўм<sup>10</sup>

Ҳудудлар	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2021 йилда улуши
<u>Қоракалпоғистон Республикаси</u>	<b>671,1</b>	<b>1 062,0</b>	<b>1 350,1</b>	<b>1 710,4</b>	<b>2 148,1</b>	<b>2 550,3</b>	<b>3 100,5</b>	<b>3 611,3</b>	<b>4 600,2</b>	<b>5 671,8</b>	<b>6 520,3</b>	<b>8 458,4</b>	<b>100</b>
Нукус ш.	384,6	502,0	593,8	743,8	1 093,9	1 300,9	1 579,3	1 958,7	2 719,7	2 403,2	2 773,5	3 537,2	41,8
<u>туманлар:</u>													
<u>Амударё</u>	28,7	45,6	69,6	94,1	83,7	100,9	137,1	139,2	171,5	305,0	346,3	429,5	5,1
<u>Беруний</u>	27,8	47,9	70,5	93,2	80,6	105,2	135,3	144,3	172,6	312,0	334,1	433,3	5,1
<u>Бўзатов</u>	-	-	-	-	-	-	-	-	-	24,2	26,5	44,6	0,5
<u>Кораўзак</u>	8,1	18,4	25,4	33,2	25,9	31,0	34,1	41,5	52,1	110,1	122,0	144,0	1,7
<u>Кегейли</u>	10,8	18,8	30,1	38,9	33,3	39,9	46,3	52,2	61,6	109,9	127,1	159,7	1,9
<u>Кўнгирот</u>	53,8	141,0	161,2	195,4	378,2	425,0	487,0	527,2	504,0	756,1	849,0	1 191,9	14,1
<u>Конликўл</u>	8,5	16,3	23,0	30,9	26,8	32,0	36,1	42,0	48,7	79,2	87,8	118,0	1,4
<u>Мўйинқ</u>	4,8	9,4	13,0	17,3	14,1	16,8	13,4	21,8	27,4	76,4	83,6	105,7	1,2
Нукус т.	7,3	14,2	20,6	26,4	24,6	29,0	30,9	45,8	51,6	104,5	136,2	180,2	2,1
<u>Тахиатош</u>	16,4	36,1	35,0	-	-	-	-	31,1	39,8	133,1	160,3	192,3	2,3
<u>Тахтакўпир</u>	8,7	13,8	19,9	25,9	24,7	29,6	34,6	42,6	50,4	91,8	103,1	127,6	1,5
<u>Тўрткўл</u>	31,4	61,2	89,1	114,7	105,4	127,5	166,0	165,8	230,9	391,1	507,1	674,5	8,0
<u>Хўжайли</u>	32,3	55,9	77,5	137,6	120,8	145,7	196,2	179,0	215,2	265,2	288,8	372,5	4,4
<u>Чимбой</u>	15,6	27,7	42,2	55,5	46,8	54,7	68,0	72,4	84,7	179,5	195,8	256,4	3,0
Шуманай	8,3	14,6	21,5	28,9	24,7	28,8	32,7	39,5	45,7	83,3	94,1	119,1	1,4
<u>Элликқалъя</u>	23,9	38,9	57,7	74,5	64,6	83,4	103,7	108,2	124,2	247,2	285,3	371,9	4,4

<sup>10</sup> Қоракалпоғистон Республикаси статистика бошқамаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинган: <http://www.qrstat.uz/uz/rasmiy-statistika/national-accounts-2>

кўрсатилган хизматлар ҳажми 384,6 млрд. сўм ўни ташкил этган бўлса, 2021 йилда жами хизматлар ҳажми 3 трлн 500 млрд. сўмдан ошиди. Тахлилий йилда шаҳардаги кўрсатилган хизматлар ҳажми жами хизматлардаги улуши 41,8 фойзни ташкил этган. Қолаверса, Қоракалпоғистон Республикаси ҳудудлари бўйича кўрсатилган хизматлар ҳажми борасида Кўнгирот, Тўрткўл, Элликқалъя, Беруний, Амударё каби туманлар Нукус шаҳридан кейин нисбатан фаол хисобланади. Жумладан, 2021 йилда кўрсатилган хизматлар ҳажмида Кўнгирот туманининг хиссаси 14,1 фойзни ташкил килган.

Туманда кўрсатилган хизматлар ҳажми 22 баробардан ортиқка ўсиб, 2021 йилда кўрсатилган хизматлар ҳажми 1 трлн 191 млрд. сўсмдан ортган. Кейинги ўринларда Тўрткўр тумани хисобланаби, мазкур туманда тадбиркорлик ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан 2021 йилда жами 674,5 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилган. Мазкур кўрсатилган хизматлар ҳажми жами хизматларнинг умумий кийматида 8,0 фойзни ташкил этган. Шунингдек, 2021 йилда ҳудудлар бўйича кўрсатилган хизматлар умумий ҳажмида Амударё ва Беруний туманининг хиссаси 5,1

## 3-жадвал

Қоракалпоғистон Республикасида асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми, млрд. сўм<sup>11</sup>

Ҳудудлар номи	2017	2018	2019	2020	2021	2022 (9 ой)	2022 йилда улуши
<u>Қоракалпоғистон Республикаси</u>	<b>2822,0</b>	<b>6757,8</b>	<b>8750,6</b>	<b>7089,8</b>	<b>8110,7</b>	<b>7059,0</b>	<b>100</b>
Нукус ш.	1087,7	1401,7	1620,7	1248,5	1681,8	1629,9	<b>23,1</b>
туманлар							
<u>Амударё</u>	90,3	134,5	210,8	317,1	449,2	413,6	<b>5,9</b>
<u>Беруний</u>	93,0	281,2	249,2	383,6	425,4	382,0	<b>5,4</b>
<u>Бўзатов</u>	-	-	29,9	103,6	99,5	86,2	<b>1,2</b>
<u>Кораўзак</u>	55,9	278,0	208,0	198,4	308,8	1063,1	<b>15,1</b>
<u>Кегейли</u>	48,9	100,5	111,4	82,4	139,4	130,7	<b>1,9</b>
<u>Кўнгирот</u>	530,6	812,7	839,2	948,6	1 071,1	869,8	<b>12,3</b>
<u>Конликўл</u>	46,9	73,8	358,4	68,4	158,5	160,4	<b>2,3</b>
<u>Мўйиноқ</u>	382,4	703,8	1567,2	1329,3	1 449,5	737,1	<b>10,4</b>
Нукус	56,3	117,5	193,9	130,7	182,0	171,9	<b>2,4</b>
<u>Тахиатош</u>	30,8	2144,6	1517,1	565,4	312,7	164,7	<b>2,3</b>
<u>Тахтакўпир</u>	19,9	86,4	44,2	108,1	87,9	72,7	<b>1,0</b>
<u>Тўрткўл</u>	66,9	153,4	701,9	771,9	774,1	428,2	<b>6,1</b>
<u>Хўжайли</u>	75,5	124,1	278,0	125,7	238,2	161,9	<b>2,3</b>
<u>Чимбой</u>	33,3	108,0	167,3	167,0	207,4	202,4	<b>2,9</b>
Шуманай	48,9	64,6	229,3	131,4	90,8	102,2	<b>1,4</b>
<u>Элликқалъя</u>	142,0	158,2	407,5	409,7	434,4	282,2	<b>4,0</b>
<u>Бўлинмайдиган ҳажм</u>	12,7	14,8	16,6	-	-	-	<b>5,9</b>

## 4-жадвал

**Қорақалпоғистон Республикасида молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар таркиби<sup>12</sup>**

Йиллар	Молиялаштириш манбалари, %				
	Корхоналар ва аҳолининг ўз воситалари	Қабул килинган маблағлар	Улардан:		
			давлат бюджети	банкларнинг кредитлари ва бошқа карз маблағлари	Чет эл инвестициялари ва кредитлари
2017	62,8	37,2	8,4	15,2	13,6
2018	37,9	62,1	13,9	19,5	28,7
2019	34,3	65,7	19,3	9,5	36,9
2020	39,1	60,9	14,3	7,7	38,9
2021	39,9	60,1	16,1	6,2	37,8
2022	42,0	58,0	15,9	6,8	35,3

фоиз, Элликальта туманинг хиссаси 4,4 фоизни ташкил этган. Аммо, қолган туманларда бу борада кўрсаткичлар ижобий эмас. Уларда кўрсатилган хизматлар хажми умумий хизматлар хажмида 1-2 фоиздан ошмайди. Қорақалпоғистон республикасининг инвестиция мухити борасидаги кўрсаткичлар таҳлили доираисда мазкур тадқикот обьекти бўйича асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар хажми ва тенденциялари кўйидаги жадвалда кўриши кирилган (3-жадвал).

3-жадвал маълумотларидан кўриши мумкинки, 2017 йилда Қорақалпоғистонга жами молиялаштириш манбалари ҳсиобидан 2822,0 млрд. сўм миқдорида асосий капиталга инвестиция киритилган бўлса,

2021 йилда ушбу кўрсаткич 8110,7 млрд. сўмни ташкил этган. 2022 йилнинг

9 ойи давомида эса 7059,0 млрд. сўмлик инвестициялар асосий капиталга киритилган. Мазкур кўрсаткич 2017 йилга нисбатан 2021-2022 йилларда

280 фоиздан ёки салкам 3 баробарга ортиқка ўстсанлигини кўрамиз. Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг умумий хажмида юкори улуш республиканинг энг ривожланган худуди, пойтахт – Нукус шаҳри хиссасига тўғри келган, албатта. Нукус шаҳрида 2017 йилда асосий капиталга киритилган инвестиациялар хажми 1087,7 млрд. сўмдан иборат бўлган. Амалга оширилган ислоҳотларнинг ижобий самарси натижасида шаҳарнинг инвестиция мухити янада яхшиланган. Натижада, 2021 йилда умумий киймати 1681,8 млрд. сўмлик, 2022 йилнинг 89 ойи давомида 1629,9 млрд. сўмлик инвестициялар жалб этилган.

Худудлар кесимида, шунингдек Қораўзак туманининг улуши 2022 йилда 15 фоиздан ортиқ бўлган. Ушбу туман иктисодиёти бўйича асосий капиталга 2017 йилда жами 55 млрд сўмдан ортиқ инвестициялар киритилган бўлса, 2021 йилда 308,8 млрд. сўм, 2022 йилнинг 9 ойи давомида 1063,1 млрд. сўмлик инвестициялар киритилган. Бундан ташкири, инвестицион фаол худудлар – Мўйнок, Кўнғирот туманлари ҳам асосий капиталга киритилган инвестиациялар хажмида сезиларни улушга эга.

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар таркиби бўйича маълумотлар кўйидаги жадвалдан ўрин олган (4-жадвал).

5-жадвалга кўра, Қорақалпоғистон Республикасида молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар таркибида Корхоналар ва аҳолининг ўз воситалари етакчи улушга эга. Яъни 2017 йилда асосий капиталга киритилган жами инвестицияларнинг молиялаштириш таркибида 62,8 фоизи

корхоналар ва аҳолининг ўз воситаларини ташкил килган. Колган 37,2 фоизи “қабул килинган маблағлар”ни ташкил этиб, улардан давлат бюджети маблағлари 8,4 фоизни, банкларнинг кредитлари ва бошқа карз маблағлари 15,2 фоизни, чет эл инвестициялари ва кредитлари 13,6 фоизни ташкил этган.

Шунингдек, 2022 йилда эса қабул килинган маблағлар 58 фоизни ташкил этган бўлса, улардан 15,9 фоизи марказлашган инвестициялар хисобига, яъни давлат бюджетидан ажратилган молиявий ресурслари ташкил этган. Колаверса, ушбу йилда банкларнинг кредитлари ва бошқа карз маблағлари 6,8 фоизни, чет эл инвестициялари ва кредитлари 35,3 фоизни ташкил этган.

#### Хуловा таклифлар

Қорақалпоғистондаги кўпгина туманларда инвестиция мухитининг яхши ривожланмаганилиги, хизматлар соҳасининг теарли дараҷада инвестицион жозибадорликка эга эмаслиги, қулаги инфратузилманинг шаклланмаганилиги ва ривожлантирилмаганилигини кўрсатмоқда. Албатта, ушбу ҳолат, ўз навбатида, Қорақалпоғистондаги инвестиция мухитини яхшилашга бевосита салбий таъсири этувчи омиллардан бири бўлади, десак айни ҳакиқатдир.

Қорақалпоғистон Республикасида молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар таркибининг таҳлидан маълум бўладики, худудга марказлашган инвестицияларнинг улуши йилга-йилга тобора ортиб бормоқда. Шу билан бир каторга 2017 йилга нисбатан 201-2022 йилларда инвестиция мухитининг бир кадар яхшиланниб бораши натижасида чет эл инвестициялари ва кредитларининг ҳам кириб келиши жадаллашмоқда.

Юкоридагиларни инобатга олиб, Қорақалпоғистонда инвестиция мухитини яхшилашда куйидагиларни амалга ошириш масадга мувофиқидир:

- Қорақалпоғистонда “йўлдош эркин иктисодий зоналар”ни ташкил этиш. Бунда, “Жиззах”, “Ургут” эркин иктисодий зоналарнинг Дирекциялари раҳбарлигига Қорақалпоғистоннинг бир катор туманларида, жумладан Мўйнок, Беруний, Амударё туманларида “йўлдош эркин иктисодий зоналар”ни ташкил этиш худудларнинг инвестиция мухитини яхшилашда ижобий самара беради;

- Қорақалпоғистонга инвестицияларни фаол жалб этиш масадидан инвесторларни бериладиган молиявий имтиёзларни табақалаштириш масадга мувофиқидир.

#### Reference:

1. Фозибеков Д.Ғ., Носиров Э.И. Ўзбекистон иктисодиётiga хорижий инвестицияларни жалб қилиш. Рисола. – Т.: «Иктисол-молия», 2007. – 92 б.
2. Мустафакулов Ш.И. (2017) Инвестицион мухит жозибадорлиги: назария, методология ва амалиёт. Монография Тошкент. “Iqtisod-Moliya”. 326-бет
3. Зайнiddинов Р. Ўзбекистонда инвестицион мухит жозибадорлигини ошириш борасида илгор хорижий тажрибалардан фойдаланиш йўллари. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 5, sentyabr-okeyab, 2020 yil.
4. Бекмуродова Г. Ўзбекистоннинг халқаро иктисодий индексларда иштирокининг инвестициявий жозибадорликка таъсирини тадқик килиш. 08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит. Иктисолёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент – 2022. Б.: 54.
5. Қорақалпоғистон Республикаси статистика бошқамаси маълумотлари: <http://www.qrstat.uz/uz/rasmiy-statistika/national-accounts-2>

- 
6. <https://yuz.uz/news/infografika-qoraqalpogistonning-2017-2021-yillardagi-ijtimoiy-iqtisodiy-rivojlanishi> 6. Абдурахмонов И. Сугурта бозорини тартибга солиш ва пруденциал назоратнинг самарали механизмларини жорий этиш.//”Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон жунали. №2, апрель, 2020 й.
  7. World insurance: riding out the 2020 pandemic storm. Swiss Re Sigma №4/2020. [https://www.swissre.com/dam/jcr:05ba8605-48d3-40b6-bb79-b891cbd11c36/sigma4\\_2020\\_en.pdf](https://www.swissre.com/dam/jcr:05ba8605-48d3-40b6-bb79-b891cbd11c36/sigma4_2020_en.pdf).
  8. Ахвledиани Ю.Т. Страхование. Уч. Пособие, М.: ЮНИТИ – 2006 й.
  9. Қорақалпогистон Республикаси статистика бошқамаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинган: <http://www.qrstat.uz/uz/rasmiy-statistika/national-accounts-2>